

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Нодирхон АББАСОВ,

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти бўлим
бошлиғи.

Аннотация: Мазкур мақола, тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг аҳамияти, унда замонавий усулларин қўллашнинг муҳим жиҳатлари ва имкониятларига бағишланган бўлиб, муаллифлар томонидан, тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларини маҳаллий имкониятдан келиб чиқиб самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: корпоратив бошқарув, стратегик мақсадлар, рақамли технология, қимматли қўғозлар бозори.

Бугунги кунда дунёда тижорат банклари корпоратив бошқарувнинг самарали усулларида фойдаланиши молиявий барқарорликни таъминлаш, рискларни бошқариш ва инвесторлар ишончини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Халқаро тадқиқотларга кўра, корпоратив бошқарув тизими мукамал йўлга қўйилган банкларнинг 72,4 фоизи юқори активлар бўйича даромад кўрсаткичларига эга бўлиб, бу корпоратив бошқарувнинг молиявий самарадорликка тўғридан-тўғри ижобий таъсирини кўрсатади[1].

Жаҳон миқёсида тижорат банклари корпоратив бошқарувни барқарор ривожланиш тамойиллари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ҳолат корпоратив масъулият ва шаффофлик тамойилларининг банклар тизимида устувор йўналишга айланиб, халқаро молиявий институтлар корпоратив бошқарувни риск-менежмент тизими билан узвий боғлашни талаб этади. Шундай қилиб, тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларида фойдаланиш нафақат ички самарадорликни ошириш воситаси, балки халқаро молиявий барқарорлик, рақобатбардошлик ва барқарор ривожланишнинг асосий кафолати сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бозор муносабатларининг муҳим бўғинларидан бири бўлган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, халқаро банк тизими талабларига мос келувчи маҳаллий банклар фаолиятини ташкил қилиш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш шу куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил этиш молиявий барқарорлик, ҳисобдорлик ва стратегик қарор қабул қилиш жараёнларининг асосий шарти ҳисобланади. Корпоратив бошқарув усуллари орқали банк фаолиятининг шаффофлиги таъминланади, акциядорлар, мижозлар ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанат сақланади. Бу эса банк тизимида бўлган ишончни оширади ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Биринчидан, корпоратив бошқарув банк рискларини самарали бошқариш имконини яратади. Корпоратив бошқарувдаги асосий тамойиллар - раҳбарият фаолиятини назорат қилиш, ички аудит тизимини йўлга қўйиш ва риск-менежмент сиёсатини такомиллаштиришдир.

Иккинчидан, шаффофлик ва ҳисобдорлик корпоратив бошқарувнинг марказий жиҳати

ҳисобланади. Жаҳон амалиётида йирик банклар корпоратив ҳисоботларини, ESG (Environmental, Social, Governance) кўрсаткичларини ва барқарор ривожланиш стратегияларини очиқ эълон қилмоқда. Масалан, S&P 500 индексдаги банкларнинг 90 фоизидан ортиғи 2024 йилда ESG ҳисоботларини тақдим этган. Бу тенденция корпоратив бошқарувда ахборот ошқоралиги ва жамоатчилик назоратининг кучайганини кўрсатади.

Учинчидан, корпоратив бошқарув стратегияси банкнинг рақамли трансформация жараёнларида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли банкчилик тизимларида маълумот хавфсизлиги, кибертаҳдидларга қарши чоралар ва IT-инфраструктурани самарали бошқариш фақат корпоратив бошқарув сиёсатида интеграция қилингандagina юқори самара беради. Банк директорлар кенгаши томонидан рақамли хавфларни баҳолаш ва мониторинг қилиш корпоратив бошқарувнинг янги йўналиши ҳисобланади.

Тўртинчидан, корпоратив бошқарув банкнинг ижтимоий ва экологик масъулиятини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. ESG тамойилларини амалиётга жорий этиш орқали тижорат банклари нафақат иқтисодий самарадорликка, балки жамият олдидаги масъулиятни бажаришга ҳам эътибор қаратмоқда. Бу жараён халқаро рейтинг агентликлари ва инвесторлар томонидан ижобий баҳоланади.

Бешинчидан, банкларда корпоратив маданият ва раҳбарият малакаси корпоратив бошқарув самарадорлигининг асосий омил саналади. Самарали корпоратив маданият қарор қабул қилишда этик меъёрларга риоя қилишни таъминлайди, нодавлат манфаатларнинг устуворлигини чеклайди ва раҳбарият фаолиятини масъулиятли йўналишда бошқариш имконини яратади.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларида фойдаланиш бу фақатгина ички назорат ёки раҳбарият фаолиятини тартибга солиш эмас, балки банкнинг барқарор ривожланиши, рақобатбардошлиги ва халқаро молия тизимидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боисдан корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳар бир тижорат банки учун стратегик устувор вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда тижорат банкларида корпоратив бошқарув деганда банк кенгаши ҳамда банк бошқаруви томонидан амалга ошириладиган фаолиятни идора этиш ва банк самарадорлигини оширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тизими тушунилади. Корпоратив

бошқарув ёрдамида банклар ўз фаолият мақсадини ўрнатади, кундалик молиявий банк операцияларини амалга оширади, ўз даромадларининг самарадорлигини бошқаради, ўз фаолиятида манфаатдор томонларнинг (ҳодимлар, мижозлар, жамоатчилик, давлат органлари) тутган йўлини баҳолайди, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва банк ликвидлилигини таъминлаш қоидаларига мос равишда корпоратив фаолиятни амалга оширади ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Тижорат банклари корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини яратган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторида амалдаги акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ бўлган бир қатор ўзига хос муаммоларни ҳал этиш зарурияти билан тўқнаш келади. Хусусан, мулкдор ва менежер ўртасидаги ўзаро муносабат тижорат банкларида саноат ва савдо соҳасига қараганда анча мураккаб ҳисобланади. Бу бошқарув органлари томонидан қатъий назоратнинг ўрнатилганлиги, баъзи тижорат банклари тизимида давлат капитали ҳажмининг юқорилиги, банк сири институтининг мавжудлиги натижасида юзага келадиган информацион номутаносибликнинг жиддийлиги билан изоҳланади.

Республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда шакллантириш каби қатор масалаларни ҳам илмий-услубий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

Корпоратив бошқарув ва уни усулларини қўллашдаги муаммолар бўйича Хорижий ва маҳалла олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бундай олимлар орасида Б.Ходиев, Д.Суюнов, М.Хамидулин, Д.Бегматова, Н.Расулов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Тижорат банкларида ташкил этилган корпоратив бошқарув ўз маблағларини жойлаштирган хўжалик субъектлари ва аҳолининг, шунингдек, банклараро кредит бозоридаги контрагент банкларнинг, қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвесторларнинг ишончини шакллантиришдаги асосий омилдир. Тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рискларни ҳар томонлама баҳолаш банк тизимининг ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш, банклар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, банк фаолиятининг барча иштирокчи томонлари қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Банкларнинг иқтисодиётда молиявий воситачи сифатидаги роли катталиги, самарасиз корпоратив бошқарув натижасида юзага келиши

мумкин бўлган потенциал қийинчиликларга нисбатан банкларнинг юқори таъсирчанлиги, шунингдек, омонатчилар маблағларини ҳимоялашнинг зарурлиги инobatга олинса, банк ташкилотларида корпоратив бошқарув фавқулodда муҳимдир. Шундай экан, банкларда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш масаласига республика-камиз банк тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади сифатида эътибор қаратилмоқда.

Тижорат банкларининг корпоратив бошқарув механизмида акционерлар билан банк бошқаруви ўртасидаги муносабатларни самарали ташкил этиш, бошқарув кенгаши фаолиятини oйдинлаштириш ва униинг акционерлар манфаатини ҳимоя қилиш механизминини янада рағбатлантириш, дивиденд сиёсати ва реинвестиция каби масалалар республика олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тижорат банкларда корпоратив бошқарув банкнинг стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек, бошқарувга oид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга oид қарорлар қабул қилиш имконини яратиб берувчи тизим ҳисобланади.

Тижорат банкларда корпоратив бошқарув муҳим аҳамиятга эга ва у банкнинг иқтисодий натижаларига таъсир этади. Банклар жамиятнинг жамғармаларини тўплайди ва уларни жойлаштиради. Ай-тиқса, ривожланаётган мамлакатларда банклар компаниялар учун жуда муҳим ташқи молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Шунингдек, банклар молиявий бозорларга тўғридан-тўғри чиқиш имкони йўқ корхоналарнинг корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этади. Ушбу ҳолат банклардан қарз оладиган фирмаларнинг корпоратив бошқарувида қатнашиши билан акс этади.

Тижорат банклари, oдатда, корпорацияларнинг бир тури ҳисоблана-да, улар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- банкларнинг фаолиятини баҳолаш ва рисклилиқ даражасини баҳолаш қийин;

- банкларда турли-туман манфаатдорлар (депозиторлар ва акциядорлар) нинг мавжудлиги мониторинг юритишни рағбатлантирмайди;

- банклар юқори левереджга эга, кўпгина қисқа муддатли талаблар юқори рискли бўлиб, банкни осонгина банкрот қилиши мумкин;

- банклар юқори даражада тартибга солиш

объекти ҳисобланади.

Банкротлик жуда катта харажатларни келтириб чиқаради, тизимли жиҳатдан муҳимлиги учун тартибга солиш кенг қамровли бўлади ва банкларнинг айрим фаолияти чегараланади (маҳсулотлар ишлаб чиқариш, филиаллар очиш), қарзларни классификациялаш ва захира талаблари бўйича талаблар қўйилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпчилиқ ҳолларда банклар учун тартибга солиш[2]:

- қонунларга нисбатан ҳам муҳим саналади;

- депозиторлар, қарз берувчилар акциядорлар ўрнига ҳукумат банкларини мониторинг қилиш ролини бажаради (Марказий банк, депозит суғурта агентликлари ва ҳоказолар орали);

- банклар корпоратив бошқарув рискларига ҳам дуч келади. Бу рискни бошқаларга ўтказиш, ўзи учун фойда олиш ва ваколатларини суистеъмол қилиш (инсайдер қарз беришлар) каби ҳолатларда намоён бўлади;

- банклар ҳажман бошқа номолиявий фирмаларга нисбатан катта ва йирик капиталга эга бўлади.

Тижорат банклари тизимида кечаётган муҳим институционал ўзгариш сифатида корпоратив бошқарув тизимининг такомиллаштиришни алоҳида таъкидлаш жоиз. Самарали тарзда ташкил этилган корпоратив бошқарув тижорат банкларида ўз маблағларини жойлаштирган ҳўжалик субъектлари ва аҳолининг, шунингдек, банклараро кредит бозоридаги контр-агент банкларнинг, улушли ва қарзли қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи инвесторларнинг ишончини шакллантиришдаги асосий омилдир.

Тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ рискларни ҳар томонлама баҳолаш банк тизимининг ишончилиги ва барқарорлигини ошириш, банклар фаолияти шиффофлигини таъминлаш, банк фаолиятининг барча иштирокчи томонлари қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислар ва олимлар корпоратив бошқарув тушунчасига турли томондан ёндашадилар. Айрим тадқиқотчилар кўпроқ эътиборни корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг турли моделларига қаратсалар, бошқалар корпоратив бошқарувни фақатгина акциядорлик тўзилмаларида мулк эгалари билан менежмент ўртасидаги муносабатларга боғлашади. Корпоратив бошқарув бўйича берилган кўплаб таърифларда умумий бўлган элементлар, тавсиф ва ёндашувлар мавжуд, жумладан [3]:

- корпоратив бошқарув маълум тузилмалар ва жараёнлар билан тавсифланадиган муносабатлар тизимидир;

- корпоратив муносабатларнинг шпирокичилари турли хил (баъзида бир-бирига қарама-қарши) манфаатларга эга бўлишади;

- корпоратив бонқарув тизимининг барча ипггирокчилари компанияни бошқариш ва унинг фаолиятини назорат этишда қатнашиш имкониятига эга бўлиши лозим;

- фаолият самарадорлиги ва узоқ муддатли истиқболда корхона қийматини ошириш учун корпоратив муносабатлар тизими ушбу муносабатларга алоқадор субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг оқилона тақсимланишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Корпоратив бошқарув тизимида маблағларнинг манбалари нуқтаи назаридан, энг аввало, тижорат банкларининг бошқарувига турли хил тарзда таъсир этиш имкониятига эга бўлган қуйидаги манфаатдор томонларни ва уларнинг мақадларини ажратиш кўрсатиш лозим:

- йирик акциядорлар;
- кичик улушга эга акциядорлар;
- йирик кредиторлар;
- кичик ҳажмли кредиторлар;
- тартибга солувчи органлар.

Самарали фаолият юритаётган банклардаги корпоратив бошқарув назоратларни амалга оширишга ёрдам беради, бундай банкларни баҳолаш осон кечади. Тадқиқотлар давомида корпоратив бошқарув, тартибга солиш ва назорат биргаликда ўрганилиши лозим деган фикр илгари сурилади.

Банкларда корпоратив бошқарувни ташкил этишда эгалик муаммоси ҳар доим муҳим масала ҳисобланади. Жаҳон банки мутахассисларининг банк эгалигини ўрганиш бўйича қуйидаги хулосаларини келтириб ўтиш жоиз:

- кўпчилик банклар давлат эгалик қиладиган банклар ҳисобланади. Ушбу турдаги банклар нобарқарор ва кредитларни самарасиз жойлаштиради;

- хусуий ва хорижий банклар иштирок этадиган банклар. Ушбу банклар нисбатан барқарор, самарали, рақобатбардош бўлади.

Тижорат банкларининг корпоратив бошқарув тизимида ўзига хос жараёнлар бор, улар сезиларли ва аҳамиятли. Ушбу ўзига хосликларни корпоратив бошқарув иштирокчилари таркиби жиҳатидан қарасак, уни нафақат бизнес шериклар, инвесторлар, кредиторлар, балки махсус кредиторлар - омонатчилар, шунингдек, тартибга солувчи органлар каби кредит ташкилоти фаолиятида иқтисодий инфратузилма ҳосил қилувчи манфаатдор шахслар тузилмасида кўриш мумкин. Банк тизимида иккита омилни ажратиш кўрсатиш зарур:

- банк тизимининг паст даражада

шаффофлиги;

- давлат томонидан ушбу тизимни тартибга солишнинг юқорилиги.

Республикадаги корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари кўпчилик банкларда, жумладан, ўрта ва кичик банкларда ҳам долзарблашмоқда. Банк фаолияти самарадорлигини яхшилаш мақсадида йирик банкларда турли бўлинма ва филиаллар томонидан амалга оширилаётган барча битимларни тўлиқ ва ўз вақтида назорат қилиш учун банкнинг ички бошқарув тизимини тузиш талаб этилади. Кичикроқ банкларда эса, айниқса, минтақаларда жойлашган банк бозорида рақобатбардошликни оширадиган сатмарали бошқарув тизимини яратиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистонда банк тизимининг молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш истиқболда бажарилиши лозим бўлган йўналишдир. Аммо ушбу стратегик мақсадга эришгунча тижорат банклари манфаатдор томонларни зарурий маълумот билан таъминлайдиган ўз ахборот мажмуаларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ. Бунда тижорат банклари корпоратив бошқарувни такомиллаштириш учун томонларга зарурий маълумотлар очиқлигини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур.

Банк мулкдорлари таркиби очиқлигини таъминлаш тижорат банклари учун жуда муҳим. Охириги бенефициарларни очиқ-ойдин кўрсатиш корпоратив бошқарувдаги кўплаб муаммоларни ҳал этишга, ички ва ташқи молиявий бозорларда жалб қилинадиётган ресурсларни кенгайтиришда истиқболли ҳисобланади.

Одатда, йирик банклар мулкдорлар таркибининг очиқлиги, банкларнинг ўз мулкдорлик улушининг маълум қисмини хорижий банкка сотиши, қарзли қимматли қоғоз чиқариши ёки халқаро банк бозорларидан қарз олиши каби масалаларга устуворлик беради. Тижорат банкларининг ҳуқуқий ва репутация рискин бошқариш банклар ва унинг омонатчилари учун жуда катта аҳамиятга эга. Қатор банкларнинг нобарқарор ҳолати улар томонидан қонунчилик, тартибга солувчи йўриқнома ва ахлоқий кодексларга амал қилмаслик риски билан бевосита боғлиқдир. Жуда кўплаб банклар ички назорат жараёни ва рискларни бошқаришни такомиллаштиришга интиломоқда.

Республикадаги банк тизимида корпоратив бошқарув аъаналари етарлича шаклланмаган бўлса-да, юқоридаги жараёнлар корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича маълум ижобий силжишлар юз бераётганидан далолатдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини модернизация қилиш ва уни халқаро корпоратив бошқарув стандартларига мослаштириш давлат иқтисодий сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгилаб келинмоқда. Бунда корпоратив бошқарув тизими нафақат банк фаолияти самарадорлигини ошириш, балки молиявий барқарорлик, рискларни камайтириш ва жамият олдидagi ҳисобдорликни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида қаралмоқда.

Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича мамлакатда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 2015 йилда тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Банкларда корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ–72-сон қарори ушбу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу ҳужжатлар асосида тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг қуйидаги усуллари амалиётга жорий этилган.

Биринчидан, банкларда бошқарув органларининг икки босқичли тизими шакллантирилди. Бу тизимда акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқарма) ўртасидаги ваколатлар аниқ белгиланган. Бундай модел қарор қабул қилишда манфаатлар мувозанатини сақлаш, назоратни кучайтириш ва стратегик бошқарувнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, корпоратив бошқарувнинг ажралмас элементи сифатида ички аудит ва риск-менеджмент тизимлари фаолият кўрсатмоқда. Барча йирик тижорат банкларида мустақил ички аудит бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар банк операциялари, кредит портфели ва ликвидлик даражаси юзасидан доимий мониторинг олиб боради. Айниқса, “Ипотека-банк”, “Агробанк” ва “Туронбанк”ларда “Basel II” ва “Basel III” халқаро тавсиялари асосида рисклар баҳолаш усуллари амалиётга жорий этилган.

Учинчидан, тижорат банкларида мустақил директорлар институти босқичма-босқич жорий этилмоқда. Марказий банк маълумотларига кўра, 2025 йил ҳолатида давлат улуши мавжуд банкларнинг тахминан 75 фоизиди Кузатув кенгаши таркибиди мустақил директорлар фаолият юритмоқда. Бу бошқарув тизимида ташқи назорат ва стратегик қарор қабул қилишда халис ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, ахборот ошқоралиги ва ҳисобдорлик тамойиллари кенг жорий этилмоқда. Қатор банклар (жумладан, “Асакабанк”, “Капиталбанк”,

“Қишлоқ қурилиш банки”) ўз йиллик корпоратив ҳисоботларини, ESG кўрсаткичларини ва ички назорат тизими ҳақидаги маълумотларни оммавий равишда эълон қилиб боришни бошлаган. Бу ҳолат халқаро корпоратив бошқарув стандартларига, жумладан OECD тавсияларига мос келади.

Бешинчидан, корпоратив маданиятни мустаҳкамлаш мақсадида тижорат банкларида этик кодекслар, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш қоидалари ва мижозлар билан муносабат маданияти стандартлари қабул қилинган. Бу ҳужжатлар раҳбариятнинг масъулиятли хулқ-атвори ва шаффоф қарор қабул қилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда корпоратив бошқарув тизимида рақамли бошқарув усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, “Алоқабанк” ва “Ипотека-банк”ларда корпоратив қарорларни электрон тарзда муҳокама қилиш ва овоз бериш тизимлари жорий қилинган бўлиб, бу рақамли корпоратив бошқарувнинг илғор намунаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банкларида корпоратив бошқарув усулларининг босқичма-босқич татбиқ этилиши банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инвестицион жозибадорликни таъминлаш ҳамда молиявий барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу жараён мамлакат банк тизимининг халқаро молиявий институтлар билан интеграциясини чуқурлаштиришга замин яратмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, акциядорлик тижорат банклари фаолиятини бошқариш усулларини қўллашнинг энг муҳим муаммоларига ечимлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Биринчидан, корпоратив бошқарувнинг замонавий назарий асослари ва фундаментал қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш керак бўлади. Бунда акциядорлик жамият тараққиётининг янги шароитларда бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш.

Иккинчидан, корпоратив бошқарувни замонавий ва ESG тамойиллари асосида тижорат банкаларининг иқтисодиёти ва ҳўжалик фаолиятини рақамлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштириш.

Учинчидан, акциядорлик жамиятини бошқаришда қарорлар қабул қилишнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини (рақамли моделларини қўллаш) аниқлаш.

Тўртинчидан, тижорат банкларининг миссияси асосида бошқарув тизимининг таш-

килий тузилмасини, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари, экология, ижтимоий сиёсатини ва мажбуриятларини белгилаш.

Бешинчидан, банкларнинг ҳозирги замон янги техника ва технологияси яъни рақамли иқтисодиёт талаблари даражасида таъминлаш, улар фаолиятида статистик ва иқтисодий-математик усулларни кенг миқёсда жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида ишлатиладиган ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш.

Олтинчидан, тижорат банклари жамоасини бошқаришнинг энг яхши шакл ва усулларини излаб топиш, бошқарувда инсон омилининг рақамли технологияларни қўллаш орқали таъсирини камайтиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш бошқарувида жорий этиш.

Еттинчидан, банкларни ва унинг барча тармоқларида корпоратив бошқарувни хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг миқёсда фойдаланишни таъминлаш зарур бўлади.

Бошқарув жараёни қаерда амалга оширилишидан қатъий назар, циклли ва айни вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бошқарув даври мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Демак, унинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: мақсадни шакллантириш (белгилаш), мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш, қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш, эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш, янги рақамли бошқарувли тизимни танлаб олиш ва аниқлашдир

ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. [www/ worldbank.org](http://www/worldbank.org).
2. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Тошкент, Академия нашриёти, 2017 йил, 315 бет.
3. Suyunov D.X., Elmirezayev. S.E.: Korporativ boshqaruv, 2021. - 356 бет

Аннотация: Настоящая статья посвящена вопросам значения корпоративного управления в коммерческих банках, а также анализу современных методов его применения, их ключевых аспектов и возможностей. Авторами предложены рекомендации и практические меры по эффективному использованию методов корпоративного управления в коммерческих банках с учётом национальных условий и особенностей функционирования банковской системы.

Ключевые слова: корпоративное управление, стратегические цели, цифровые технологии, рынок ценных бумаг.

Annotation: This article is devoted to the significance of corporate governance in commercial banks, focusing on the key aspects and opportunities of applying modern management methods. The authors have developed proposals and recommendations aimed at the effective use of corporate governance methods in commercial banks, taking into account local conditions and institutional capabilities.

Keywords: corporate governance, strategic objectives, digital technology, securities market.